2013 3-сон

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда судланганнинг иштироки таъминланмаганлиги суд қарорининг бекор бўлишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Олтинкўл тумани судининг 2012 йил 27 августдаги ҳукмига кўра, А. билан Д. Жиноят кодексининг 188-моддаси 2-қисми "в" банди, 190-моддаси 2-қисми "б" банди билан, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, ҳар иккаласи 2 йилга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 12.584.000 сўмдан жарима жазосига судланганлар.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди апелляция инстанциясининг 2012 йил 16 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 4 апрелдаги ажрими билан апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Апелляция инстанцияси суди ажримининг бекор бўлишига апелляция инстанцияси суди томонидан судланганлар А. билан Д.нинг химояга бўлган ҳуқуқларини жиддий равишда бузилганлиги сабаб бўлди.

Хусусан, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **"Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"**ги қарорининг ўн биринчи банди иккинчи қисмига мувофиқ, қўл-ланилган эҳтиёт чораси туридан қатъи назар, маҳкумнинг апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши жиноят-

процессуал қонунининг жиддий бузилиши деб баҳоланишига ва суд ажримининг бекор бўлишига сабаб бўлади.

Жиноят ишида мавжуд ҳужжатлардан кўринишича, Д. апелляция шикоятида ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида унинг иштирокини таъминлашни сўраган.

Бироқ жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриш чоғида судланган Д.нинг иштироки таъминланмаган.

Бундан ташқари биринчи босқич суди жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриш учун расмийлаштириб, 2012 йил 16 октябрь кунига тайинлаб, ишни 9 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига юборган. Бу ҳақда Д. билан А.га маълум қилинганлиги тўғрисидаги хат жиноят ишига қўшилган.

Бироқ А.нинг назорат тартибидаги шикоятига илова қилинган, ишни апелляция инстанцияси судида кўриш учун тайинлаш ҳақидаги хабарномада ишни апелляция инстанцияси судида кўриш 2012 йил 18 октябрь кунига тайинланганлиги қайд қилинган. Шунингдек, жиноят ишида мавжуд ушбу хатнинг асл нусхасидаги "18" рақами "16" рақамига ўзгартирилган.

Апелляция инстанцияси суди мазкур ҳолатларга эътибор бермай, судланганларнинг апелляция инстанцияси суди суд мажлисига келмаганликлари сабабларини текширмай, ишни уларнинг иштирокисиз кўриб, қонун талабини бузган.

Назорат иши № ЖСҲ-60-13